

РАҚАМЛАР АСРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

ДЖУМАЕВ РУСТАМ

Сиёсий фанлар доктори, профессор, ТошДШИ

РАЖАБОВ ҲАБИБУЛЛО

Тадқиқотчи, O'zMU

Аннотация. Мақолада ҳозирги даврга келиб ахборот олиш ва тарқатишининг замонавий кўри-нишлари авж ола бошлагани, жумладан, киберхужум, киберхуруж каби таъсир воситалари орқали айрим субъектларнинг ўз таъсир доирасини кенгайтиришига уринаётган бир пайтда, бундай таъсирлардан ҳимояланиш бўйича айрим мулоҳазалар илгари сурилади.

Таянч сўз ва иборатлар: ахборот, ахборот цивилизацияси, ахборотлашган жамият, киберхавфсизлик, киберхужум, оммавий ахборот воситалари, интернет, ахборот хуружлари, телекоммуникация тармоқлари.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы активизации современных видов получения и распространения информации, таких как кибератака, киберугроза и их средства влияния на окружающих, расширения сферы влияния таких субъектов, а также некоторые рассуждения и методы по их защите.

Опорные слова и выражения: информация, цивилизация информации, информационное общество, кибербезопасность, средства массовой информации, интернет, киберугрозы, телекоммуникационные сети.

Abstract. The article deals with the activation of modern types of reseiving and disseminating information, such as cyberattack, cyberthreats and their means of influence on others, expanding the sphere of influence of such subjects, as well as some reasoning and methods for their protection.

Keywords and expressions: information, information civilization, information society, cybersecurity, mass media, internet, cyber threats, telecommunication networks.

Дунёни кўп жихатдан ахборот цивилизацияси деб аташ мумкин. Компьютер тармоқлари ва ахборот инфратузилмасининг жадал тараққий этиши ахборотни етказиб бериш ва алмашилишда жуда катта тезликларни келтириб чиқарди. Ахборот жамиятида кўплаб жараёнларни бошқариш ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам эндиликда симсиз, ҳатто психо-нейрофизиологик каналлар бўйлаб рўй бериши мумкин. Биринчи навбатда янги имкониятларни рўёбга чиқариб, уларнинг хавфсизлигига деярли эътибор қаратмаётган янги технологияларнинг зўр бериб ривожланиш туфайли бу каналларнинг ҳимояланганлик даражаси жуда паст даражада.

Бу янги даражада хавфли ишлаб чиқаришлар ишни издан чиқариш, замонавий цивилизация ютуқларисиз амалга ошмай қолган жамият ҳаётининг фаолияти таъминоти тузилмасини бузиш (емириш) билан боғлиқ кибертерро-

ризмдан ташқари потенциал кибер урушларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бунда кибер хуружлар ер шарининг исталган нуктасидан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу ҳимоя ва хавфсизлик тизимлари тузилмаси ва уларга бўлган талабларни тубдан ўзгартириб юборади.

Ахборот тузилмаси ва имкониятларининг жадал суръатлар билан тараққий этиши жамият хавфсизлиги учун жавобгар бўлган давлат органларини боши берк кўчага киритиб, улар ҳаракатлари палапартиш, асоссиз ва кам самарали бўлиб чиқади. Бунга аксинча, жиноий йўлдаги айрим шахсларнинг хатти-ҳаркатлари эса аввалги даврдагига нисбатан анча вайронкор ва хавфли кўриниш олиши мумкин.

Бундай вазиятда ахборот ҳодисанини, ахборот оқимлари хоссаларини, хавфи ва уларнинг хавфсизлигини фанлараро ёндашув нуктаи назаридан ўрганиш бир мунча дол-

зарб бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, ахборот ишлаб чиқариш жараёни тузилмаси ва хоссаларини, ахборот оқимларининг ижтимоий муҳит билан ўзаро ишлашини, инсоннинг ана шундай “ахборотлашган” жамиятдаги ҳаётга мослашишини, унинг жаҳоннинг ўзгарувчан рақамли реалликларига мослашувчанлигини, унинг “хаётдан ортда қолмасликка” интилишларини ўрганиш лозим. Алоҳида, айрим одамлар фаолияти аҳамиятлилигидан ташқари биз тескари жараёнлар, масалан, барча учун бирдай куч билан ишлайдиган телевидение, Интернет, ижтимоий тармоқлар жамоатчилик фикри ва кайфиятига таъсир қилишнинг нақадар қудратли воситасини бериб қўйганлигини кўриб турибмиз.

Ҳозирда биз телекоммуникация тармоқлари ва оммавий ахборот узатишнинг интерактив воситаларининг ҳар бир алоҳида индивидга (Шахсга эмас!) ривож билан боғлиқ янги ахборот инқилоби сари яқинлашиб бормоқдамиз. Оммавий ахборотнинг аҳолининг турли гуруҳларига, ҳар бир одамга ҳам йўлдошли, кабелли ва компьютер тармоқлари орқали адресли, аниқ етказа оладиган истиқболли интерактив воситаларининг, ҳеч бўлмаса, сифат жиҳатидан имкониятларини баҳолаш вазифаси ўта долзарб бўлиб кўринади. Жамиятга таъсир қилиш механизмлари, унинг тузилмаланиши, ҳам айрим ижтимоий гуруҳлар, айрим индивидларни, шунингдек умуман жамиятни бошқариш имкониятларини тушуниш яқин келажакнинг ўта муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ана шу йўналишни ривожлантириш учун база яратиш эса бугуннинг долзарб масаласига айланиб улгурган.

Ижтимоий муҳитдаги ахборот оқимлари ва уларнинг ана шу муҳитга кўрсатадиган таъсири билан боғлиқ вазифаларни таҳлил қила туриб, бир неча жиҳатларни ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Ахборот оқимларининг ижтимоий муҳитга кўрсатадиган таъсири (умуман олганда, профессионал бўлмаганлар, яъни ахборот оқимларини яратиш, уларга ишлов бериш ва шакллантириш, ахборот сақлаш ва тарқатиш

билан профессионал тарзда шуғулланмайдиган шахслар, биринчи навбатда ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари ва ш.к. муҳитига);

2. Барча шаклдаги ахборот билан ишлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш (умуман ҳар қандай мутахассисларни тайёрлаш);

3. Ахборот оқимлари тузилмалари ва уларнинг ахборот муҳитида ишлайдиган профессионаллар муҳитида ўзгариши;

4. Ахборотнинг ижтимоий гуруҳларда йўқотилиши ёки тарқалиб кетиши билан боғлиқ муаммолар;

5. Ахборот ҳажмлари ўсишини ва унга ишлов бериш имкониятларини моделлаштириш;

6. Нотўлиқ, ноаниқ ёки бузилган ахборот олиниши, баъзан эса ҳатто ёлғон ахборот (дезинформация) олиниши, олинган ахборотга ишлов бериш вақти ва бундан кейинги ахлоқ (ўзини тутиш) тўғрисида қарор қабул қилиш мавжудлиги имкониятини ҳисобга олиб тизимлар ишлаш хусусиятлари.

7. Ахборот жараёнларини ҳисобга олиб кооперацияси ва можаро(конфликт)ларнинг хусусиятлари.

Бу ерда юзага келадиган вазифа(масала)ларнинг бундан кейинги таҳлилида кўриб чиқиладиган муаммоларнинг бошқа жиҳатларини ҳам ажратишга тўғри келади.

Бугунги кунда математик моделлаштиришга, шунингдек унинг сиёсий фанлар, ижтимоий психология, социология ва тарих фанларидаги методологик аҳамиятига бағишланган ишлар оқими кескин ортиб кетди. Аслида, прогнозлашнинг ижтимоий фанлардаги аҳамиятини 1945 йили К. Поппер кўриб чиққан бўлиб, аммо фақат сўнгги ўн беш-йигирма йил давомида ишлаб чиқиладиган синергетика, очик тизимлар назарияси, хаос назарияси методологияси, кўпчилик муаллифлар эътирофига кўра, ижтимоий муҳитлардаги жараёнларни моделлаштириш асоси бўлиб келиши мумкин. Синергетиканинг нозикчилиги, ўз-ўзини ташкил қилиш, очик диссипатив тизимлардаги тартиб ва хаос (бетартиблик), ҳамда бундай тизимларда

тартиб параметрлари мавжудлиги ижтимоий ва психологик ҳодисаларни моделлаштириш масалаларини синергетика парадигмаси доирасида кўриб чиқиш имкониятини беради.

Ахборот жамиятида таълим аҳамияти кўп маротаба ортиб, таълим ва илм-фанга қилинадиган харажатларнинг бутун дунё бўйича камайиб боришига мойиллик аслида, Массачусетс технология университетининг иқтисодиёт фанлари бўйича профессори Лестер Туров ўзининг “Капитализм келажаги” китобида қайд этганидек, “янгича ўрта асрларга” элтади. Шу сабабли инсон фаолиятининг ушбу соҳасида юзага келаётган вазият, ҳамда эволюция эҳтимолий йўлларининг табиий-илмий таҳлили айниқса долзарб (бирок, афсуски у қадар оптимистик руҳда эмас) бўлиб кўринади.

Тизимлардаги ахборот жараёнларини нотўлиқ, ноаниқ ёки бузилган ахборот олиш, олинган ахборотга ишлов бериш ва кейинги харакатлар тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур кечикиш имкониятини, шунингдек бу каби ахборот жараёнларини ҳисобга олиб кооперациялашув ва можаролар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги моделлаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида тадқиқ этишни талаб қилади. Бу ерда ахборотни онгли ёки онгсиз равишда манипуляция () қилишдаги юзага келадиган қатор муаммоларни ҳам кўриб чиқиш керак бўлади.

Замонавий ахборот жамиятининг сифатли қонунлари ва қонуниятларига эга бўлиш замонавий жамиятга у нисбатан хавфсиз, ўз тараққиёти траекториясини башоратлаб илгарилай олиши учун зарур. Синов ва хатолар услуги билан ҳаракатланишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки инсоният бу йўналишда йўл қўйилиши мумкин бўлган эҳтимолий хатоликлар оқибатларига дош беролмаслиги мумкин.

Бугунги кунда ахборот оқимларини таҳлил қилишда бир неча янгича муаммолар юзага келди. Уларга эътибор қаратайлик.

Аср бошида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштиришга, технологик ва иқтисодий тараққиёт прогнозига, халқаро

муносабатлар динамикасига нисбатан аввалги анъанавий ёндашувларнинг ўзи етарли эмаслиги аён бўлиб қолди. Бу вазифаларнинг синергетика, ёки анъанавий макроиқтисодиёт томонидан ўрганиладиган оддий объектлардан фарқи қуйидагилардан иборат:

- уларда аввалги тарихида учрамаган, рўй бермаган ва қайтмас нарсалар рўй бериши мумкин бўлган тизимларни тадқиқ этиш талаб қилинади;

- уларда адекват баён кўп ўлчамли тизимлар таҳлил этилишини ва барча эколюция жараёнини баён этадиган тартиб параметрлари биргина тўпламини ажратиш олиш имкони бўлмайди;

- уларда ташқаридан кириб келаётган ўзгаришларга жавоб сифатида ички тузилмалари ўзгариб боради (психологик терминларда интериоризация);

- уларда ахборот ўзаро ҳамкорлиги бош ўрин тутди. Ана шу чақириққа жавоб тариқасида янги парадигмалар шаклланиб, улар орасида Санта-Фе шахрида (АҚШ) фаол тараққий эттирилган мураккаблик парадигмаси кенг ном қозонди. Бу марказда ишлаб чиқилган йўналишлардан биологик эволюция муаммолари, “сунъий ҳаёт”, иқтисодиёт ва ҳарбий можароларнинг ноанъанавий моделлари, табиий офатлар ва жамиятдаги фавқулудда вазиятларни башорат қилиш ва моделлаштириш, “бошқариладиган хаос” ва уш қабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ахборот жараёнлари динамикаси (ўзгаришчанлиги) билан боғлиқ вазифаларга бунда бир неча сабабларга кўра алоҳида эътибор қаратилди. Ахборотни ишлаб чиқариш, тарқатиш, унга ишлов бериш билан боғлиқ фаолият иқтисодиётнинг ўта муҳим секторларидан бири бўлиб қолди. Бошқа тарафдан, “ахборот бўшлиғи (макони)” (ғарбий атамашуносликда “кибербўшлиқ (макон)”) авваллари қуруқликда, денгизда, денгиз қаърида, ҳавода, коинотда, ва ниҳоят инсоннинг ўзида олиб борилган рақобат ўрнига, эндиликда давлатлар, элиталар, трансмиллий корпо-

рациялар рақобатчилик қиладиган асосий майдонга айланиб бормоқда.

Бундан ташқари, XXI асрда жамият ёки айрим ижтимоий гуруҳларни ахборот ёрдамида бошқариш ўзига алоҳида эътибор жалб этади. Оммавий ахборот воситалари, Интернет олами, шу билан бирга қўлланадиган сиёсий, ҳарбий технологияларни тубдан ўзгартириб, кибертерроризм, кибержиноятчилик, кибер ҳужумлар каби тушунчаларни жорий этдилар. Шахсий компьютерлар ва глобал телекоммуникация тармоқлари асри оддий ҳол бўлиб қолди. Бунда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар таҳлил

қилинганида кўпинча таҳлил соҳаси ўтарайтирилиб, ахборот технологиялари соҳаси билан чекланадилар ва ҳаётимизнинг ахборот жараёнлари билан яқиндан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларига таъсир тўғрисида унутиб қўядилар.

Ана шу жараёнларни юмшатишнинг асосий ресурси ахборот билан яна ҳам самаралироқ ишлашдан иборат бўлиб, бу ҳам глобал компьютер тармоқлари, таълим ва илмий сиёсатни такомиллаштириш тақдим этадиган имкониятлардан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

